

ОЙ МАВЗУСИ: “ГҶЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Наврӯз байрами					
Муддати	Март ойининг 3-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Бир оёқда сакраш кўникмасини (ўнг ва чап оёқда) ривожлантириш, орасталик, ўз ташқи кўринишига эътибор қаратиш одатини тарбиялашда давом этиш, овқатланиш давомида сабзавот, мевалар ва бошқа фойдали маҳсулотларни истеъмол қилишга одатлантириш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Илтимосни мулойимлик билан ифодалаш, кўрсатилган хизмат учун миннатдорчилик билдириш. Гуруҳ қоидаларига амал қилиш, эҳтиёжларини ифодалашга ўргатиш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Шеърлар ёд олиш, китобни эҳтиётлашга ўргатиш. Баҳор, Наврӯз байрами ҳақида ҳикоялар туша олиш. Мавзуга оид топишмоқларни айта олиш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Ватан ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш, она юртига бўлган муҳаббатни тарбиялаш, фазода мўлжал олиш, предметларни гуруҳга ажратиш малакаларини шакллантириш				
	Ижодий ривожланиш	Мусиқа асбобларидан кўнғирокча, чилдирма, металлфон, треугольникни чалиш малакаларини ривожлантириш, турли хилдаги чизиклар, илгаклар, белгиларни чизиш малакаларини шакллантириш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш, яшаш ва математика	Қуш уяси		Дарвоза		Намуна, лево, кубиклар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Қўғирчоқ сайрида				Қўғирчоқ, барча йил фаслларига мўлжалланган кийим, ўйинчоқ шкаф, стул, коляска, машиналар
	Тил ва нутқ	“Баҳор” мавзусида ҳикоя тузиш. Топишмоқларни топиш.			Наврӯз байрами	АКТ, сюжетли расм, топишмоқ карточкалар
	Фан ва табиат	Гул уруғларини экиш				Тупроқ солинган тувак, уруғ, сув солинган стаканча, гуллаётган ўсимликлар тасвирланган расмлар
	Санъат	Лой иши: Уядаги қушлар		Аппликация: Чиройли гиламча	Расм: Гулдон	Намуна, канцелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

МАРТ. УЧИНЧИ ҲАФТА **НАВРЎЗ БАЙРАМИ**

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Қуш уяси

Мақсад: болалар бир нечта геометрик шакллардан қуш уясини тасвирлай оладилар, қисмларнинг шаклини аниқлайдилар, рангларни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: уянинг намунаси, А-4 ҳажмли альбом варағи, 8х13, 1,5х5 ўлчамдаги тўғри тўртбурчаклар, 3см диаметрдаги айлана, учбурчак, елим, мўйқалам, салфетка, қушларнинг тайёр тасвирлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна билан танишиш.
2. Қуш уясини кўздан кечириш.
3. Болаларнинг мустақил ишлари.
4. Болалар ишлари кўргазмаси.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча: ҳовлидаги қушларни кузатиш.

Эътиборга молик жиҳати: саришталик, рангларни ҳис этиш.

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Дарвоза

Мақсад: болалар конструкциясига кўра турлича бўлган дарвозаларни курадилар, конструкция деталларининг нимага хизмат қилишини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материали тўплами, уйчал, дарахт, йўлакча, кўғирчоқ, арча, ва расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Дарвоза кўринишлари акс эттирилган расмлар ва фото суратларни кўздан кечириш.
2. Ишнинг кетма-кетлигини намоёиш этиш.
3. Болаларнинг амалий фаолиятлари.
4. Болалар фаолиятини рағбатлантириш.

Қўшимча: қурилма намунасининг таҳлили.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурни, мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Кўғирчоқ сайрда

Мақсад: болалар кўғирчоқлар билан таниш ҳаракатларни ўйин сюжетида кўчирадилар, кўғирчоқлар билан бўлган ўйинларга қизиқиш намоён этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кўғирчоқ, барча йил фаслларида мўлжалланган кийим, шкаф, стул, коляска, машина ва қурилиш материаллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Муаммоли вазият (кўғирчоқ сайр қилишни истайди, бироқ кийинишни билмайди).
2. Ечим: болалар кўғирчоқни об-ҳавога мос тарзда кийинтирадилар.

3. Ролларнинг тақсимланиши.
4. Сюжетнинг кечиши.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча: “Биз ўйнаймиз” тасвирини кўздан кечириш.

Эътиборга молик жиҳати: танлаб олинган ролларни тўғри бажариш, сўзларни тўғри талаффуз қилиш.

Тил ва нутқ маркази

“Баҳор” мавзусида ҳикоя тузиш. Топишмоқларни топиш

Мақсад: тарбияланувчилар баҳорий ўзгаришларни аниқлайдилар, боғлар ва томорқада қандай баҳорги ишлар амалга оширилишини биладилар, мавзуга доир топишмоқларни топа оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расм, мавзуга оид ўйинлар тўплами, АКТ .

Фаолиятнинг бориши:

1. Баҳор манзараси видеолавҳаси намоиши.
2. Баҳор ҳақида топишмоқларни топиш.
3. Баҳорги табиатдаги ўзгаришлар расмини кўриш (дарахтларнинг гуллаши, биринчи гуллар ва майсалар, баҳорги ишларнинг амалга оширилиши, қалдирғочларнинг учиб келиши).
4. “Баҳор” мавзусида ҳикоя тузиш.
5. “Мева ва сабзавотлар” таълимий ўйини.

Қўшимча: “Баҳорда пишириладиган таомлар” мавзусида альбом тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати: гапларни тўғри туза олиш, бошқа болаларни тинглай олиш.

Тил ва нутқ маркази

Наврўз байрами

Мақсад: болалар ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналари, “Наврўз” бу табиатнинг уйғониш даври эканлигини биладилар, жонажон ўлканинг табиатини севадилар ва унга ғамхўрлик қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид расмлар, яшил шохлар, сумалак, ундирилган буғдой, миллий мусиқа аудио ёзуви

Фаолиятнинг бориши:

1. Тарбиячининг байрам ҳақидаги ҳикояси.
2. Наврўз ҳақида шеърлар ўқиш.
3. Меҳмон – Хўжа Насриддин ташриф.
4. Топишмоқларни топиш.
5. “Дўппини кий”, “Икки киши бир чопон ичида” рақслари.
6. Сумалак билан меҳмон қилиш.

Қўшимча: баҳор, байрам ҳақидаги иллюстрацияларни кўздан кечириш, шеърларни ўқиш, кўшиқларни куйлаш.

Эътиборга молик жиҳати: грамматик жиҳатдан тўғри нутқни ривожлантириш, шеърларни ифодали ўқиш.

Фан ва табиат маркази

Гул уруғларини экиш

Мақсад: болалар чуқурча қилиб уруғларни бирма-бир эка оладилар. экилган уруғларга сув қуядилар, уларнинг ўниб-ўсиши учун зарур шароитларни айтиб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: стол, тупроқ солинган яшик, чўп, уруғ солинган 2 та ликопча, сув солинган стаканча, шаффоф стаканчага солинган уруғ, гуллаётган ўсимлик тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат: хона гуллари.
2. Расмларни кўздан кечириш.
3. Уруғларни кўздан кечириш.
4. “Гулни номла” таълимий ўйини.
5. “Уруғни экиш” амалий иши.

Қўшимча: луғатни бойитиш, экилган ўсимликларни парваришлаш.

Эътиборга молик жиҳати: уруғлардан ўсимликларни мустақил ўстириш.

Санъат маркази

Лой иши: Уядаги қушчалар

Мақсад: болалар тана, бошнинг шакли ва ҳажмини ифодалаган ҳолда қушни бўлақлардан ясайдилар, ҳар хил турдаги қушларни катталигига кўра фарқлайдилар, бош, қанот, дум қисмларини тўғри жойлаштирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу асосида намуна, қушлар тасвирланган расм ва карточка, қоғоз салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қушларнинг овози” аудиотасма ёзувини тинглаш.
2. Қушларнинг тасвирини кўздан кечириш.
3. Намунани кузатиш.
4. Ишни бажариш.
5. Болаларнинг ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: “Чумчуқлар ва автомобиль” ҳаракатли ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда меҳр-шавқат ҳиссини тарбиялаш.

Санъат маркази

Аппликация: Чиройли гиламча

Мақсад: болалар тасвирларни бўлақлардан ҳосил қила оладилар, уларни қоғоз варағида тўғри жойлаштирадилар, қайчини тўғри ушлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли ва оқ қоғоздан қирқилган тасма, мўйқалам, елим, қайчи, гиламча намуналари, фоторасмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни ва фотосуратларни кўздан кечириш.
2. Гиламчани яшаш.
3. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: миллий нақш элементларидан фойдаланиш.

Эътиборга молик жиҳати: майда моторикани ривожлантириш, рангларни танлаш.

Санъат маркази

Расм: Гулдон

Мақсад: болалар предметларнинг номларини, “идиш-товоқлар” тушунчасини биладилар, турли хил шакллар ва ранглар ҳақида тасаввурга эгалар, чизишнинг ноанъанавий усулларини қўллай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли шаклдаги гулдон, губка, гуашь, мўйқалам, ишлардан намуна, гулдонлар тасвирланган турли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида расмларни кўриб чиқиш. Керакли жиҳозлар ҳақида суҳбат.
2. “Топчи, қандай гулдон” таълимий ўйини.

Тарбиячи гулдон ясаш мумкин бўлган турли материалларни номини айтади, болалар эса қандай гулдон эканлигини номлайдилар (шишадан ясалган гулдон - шиша гулдон). “Гулдонни йиғ” таълимий ўйини (кесма расмлардан).

3. Губка ёрдамида расм чизиш.
4. Берилган вазифаларни бажариш.
5. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: луғат устида иш: шиша, лойли, фарфор.

Эътиборга молик жиҳати: саришталикка ўргатиш, диққат, фантазияни ривожлантириш.